

SECTION IV  
THEORETICAL AND PRACTICAL ISSUES OF TRANSLATION STUDIES AND  
INTERCULTURAL COMMUNICATION

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТНИНГ СПОРТ ШАРҲЛОВЧИСИ  
ФАОЛИЯТИ ВА ШАРҲ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

*М. Тўхтамирзаев*<sup>1</sup>

*Аннотация:*

Тадқиқот халқаро спорт ареналарида мунтазам ўзгариб турадиган маданиятлараро мулоқот, унинг электрон оммавий ахборот воситаларида намоёниши этилиши жараёнида шарҳловчилар вазибаларини атрофича кўриб чиқиш учун спортдаги нутқи энг кўп учрайдиган субъектларни аниқлаш ва таснифлашга бағишланган. Назарий мулоҳазалар 2024 йили ўтказилган нуфузли спорт мусобақаларидан олинган мисоллар билан тўлдирилган.

*Калит сўзлар:* маданиятлараро мулоқот, мухлислар, Олимпия ўйинлари, спорт, спорт шарҳловчиси, футбол, электрон оммавий ахборот воситалари.

*doi:* <https://doi.org/10.2024/2d41vv70>

---

Долзарблиги. Қадим замонлардан спорт мусобақалари ўзига хос урф-одатлари, тили ва хусусиятларига эга бўлган турли этник-маданий гуруҳлар вакилларининг ўзаро коммуникатив таъсир кўрсатишига сабабчи бўлиб келади. Бугунги кунда замонавий технологиялар ривожланиши боис деярли ҳар бир нуфузли спорт мусобақаси дунёнинг исталган нуқтасидан олиб кўрсатилиши оддий ҳолга айланди. Ушбу репортажлар спорт ихлосмандлари эҳтиёжларини тўлақонли қондириши учун шарҳловчилар юксак савияда тайёгарлик кўришлари талаб этилади. Бошқа бир қатор талаблар орасида спорт шарҳловчиси маданиятлараро мулоқот ва унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиши зарурлиги ҳам эътиборга молик.

Тадқиқот мақсади. Этник-маданий макон индивидуал вакилларининг нутқи ва хулқ-атвор хусусиятларини электрон оммавий ахборот воситаларида тақдим этиш хусусиятларини кўриб чиқиш. Ушбу мақолада биз спорт шарҳи сифатини таъминлашда турли миллат вакиллари бўлмиш спорт субъектларининг хатти-ҳаракатларида маданиятлараро мулоқот хусусиятларини билиш ҳамда мантиқий таҳлил қилишнинг ўзига хос омилларидан келиб чиқамиз [6].

---

<sup>1</sup> Мирзаҳаким Тўхтамирзаев, педагогика фанлари номзоди, доцент, “Sport”, “Спорт+” ва “Ўзбекистон футболлари” газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистон, Тошкент

Спорт жамият ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Нуфузли мусобақалар ғолиблари миллат фахрига айланиб, ёшларга ўрнак бўлади. Спортдаги муваффақиятлар юрт нуфузини оширади [4].

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Халқаро Олимпия ҳаракатининг муносиб иштирокчисига айланди. Олимпия ўйинларида беш юздан зиёд спортчимиз стартга чиқди. 2024 йили Парижда ўтган олимпиадада ҳамюртларимиз 8 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза медалига сазовор бўлишди. Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон делегацияси 13-ўрин эгаллади, МДҲда, туркий давлатлар, аҳолисининг аксарияти исломга эътиқод қилувчи мамлакатлар орасида тенгсиз бўлди ва Марказий Осиёда етакчилик қилди. Бу эса спортга, унинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бўлган қизиқишнинг кучайишига сабаб бўлди.

Ушбу тадқиқотда биз спортчиларнинг натижаларини эмас, балки мусобақаларни синчковлик билан кузатган одамларнинг кўмакчисига айланиши кўзда тутилган шарҳловчилар фаолиятини таъминловчи айрим омилларни таҳлил қилмоқчимиз.

Телеэкран ёки гаджетлар ёрдамида спорт ареналаридан узатилаётган трансляцияларни томоша қилган кўп миллатли ва кўп маданиятли оммавий аудиторияга вазиятни шарҳлаб, моҳиятини етказишга ҳаракат қилган спорт журналистлари зиммасига жуда катта вазифа юклатилади. Улар маданиятлараро мулоқотнинг ижтимоий-маданий, дискурсив ва феноменологик таҳлилини ва турли тил вакиллари сифатида нафақат спортчилар, балки спорт мусобақалари ва маросимлари субъектларининг хатти-ҳаракатлари этник хусусиятларини инобатга олиб, воқеаларни ёритишлари зарурлигини алоҳида таъкидлаш даркор.

Маданиятлараро мулоқот шароитида учрашганда, спорт субъектлари кўпинча лингвистик ва коммуникатив чекловлар туфайли ўз маданияти чегараларидан ташқарига чиқа олмайди. Бундан ташқари, аксарият ҳолларда махсус лингвистик кўникмалар талаб қилинмайди. Ўзига хос мулоқотнинг ягона тизимини ташкил этувчи спортнинг коммуникатив имкониятларини билиш кифоя.

Келинг, мисол келтирайлик. Турли мамлакатларнинг футбол жамоалари ўзаро учрашганда, ўйинчилар, аксарият ҳолларда, рақиблари қайси тилда гаплашишига аҳамият бермайдилар, бу ҳолда ҳакамнинг ҳуштак чалиши ва ишоралари шаклидаги универсал алоқа тизимига эътибор қаратиш муҳимдир.

Спортнинг маданий, иқтисодий, ижтимоий ва оммавий ахборот воситаларининг махсус ҳодисаси сифатида ривожланиши баробарида шарҳловчилар вазифаларини атрофлича кўриб чиқиш учун биз спортдаги нутқи энг кўп учрайдиган субъектларни аниқлаш ва таснифлашга ҳаракат қилдик.

Биринчи тоифага, шубҳасиз, спортчиларнинг ўзлари киради. Спортнинг индивидуал ва жамоавий турлари мавжуд. Индивидуал спорт мусобақаларини шарҳлаш учун, биринчи навбатда, муайян спорт турининг қонун-қоидаларини билиш ва ҳакамларнинг имо-ишоралари, айтиши кўзда тутилган қисқа сўз ва ибораларга эътибор қаратиш керак. Масалан, аут, пенальти (футбол), иппон, вазари (дзюдо), бокс, брэк (бокс) ва бошқалар.

Жамоавий спорт турларини шарҳлаш учун эса бундан ташқари жамоалар ичидаги мулоқотни тушуниш ҳам муҳим. Масалан, баскетбол, волейбол, гандбол каби спорт турларида мураббийлар тайм-аут олганида кўрсатма берадиган тил сифатида жамоа аъзоларининг кўпчилиги тушунадиган тил танланади, зарурат туғилганда таржимонлар ёрдамга келади. Шарҳловчи тайм-аут вақтидаги тафсилотларни томошабинларга етказиши учун хорижий тилларни билгани маъқул.

Жамоаларда легионерлар кўпайган шароитда иш берувчи мамлакатининг тилини билиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [3]. Масалан, Элдор Шомуродов италян, Абдуқодир Ҳусанов француз, Аббосбек Файзуллаев рус, Ҳусниддин Алиқулов турк тилларини билиши фойда келтириши шубҳасиз.

ФИФА рефериси ўзбекистонлик Равшан Эрматов жаҳон чемпионати финал босқичларида энг кўп ўйин (1та) ўтказиш бўйича рекордчи экани яхши маълум. У беш марта Осиёнинг энг яхши футбол ҳаками деб тан олинган ва 2015 йили дунёнинг энг яхши ҳакамига топшириладиган “Global Soccer Awards” мукофоти билан тақдирланган. Р.Эрматов учрашув арафасида майдонга тушиши кутилаётган футболчиларнинг тилларидаги “сўкиниш иборалари”ни алоҳида ўрганиб чиқиши диққатга сазовор. Футбол ҳакамидан фарқли равишда шарҳловчилар нафақат футболчиларнинг она тилида, балки ўйин ўтадиган спорт масканида тўпланиши кутилаётган аксарият мухлисларнинг тилларида ҳам олқиш ва сўкиш маъноларини англлатувчи сўз ва иборалардан хабардор бўлиши зарур.

Ўз навбатида, биз спорт мулоқотининг яна бир муҳим тоифаси мухлислар эканини эътироф этамиз. Улар учун бир нечта энг кенг тарқалган мулоқот ҳолатлари мавжуд. Биринчидан, бу спорт мусобақаси доирасидаги “ўзимизникилар” ва “бегоналар” (спортчилар, мухлислар, ташкилотчилар) билан мулоқот. Иккинчидан, худди шу каби мулоқот, лекин мусобақа/тадбирдан ташқарида.

“Ўзиникилар” билан мулоқот коммуникатив яқдилликни назарда тутуди (шунинг учун хорижлик спортчи ўзи яшаб турган мамлакат лингвистик ва маданий муҳитини, маҳаллий аҳоли тилини билса, мухлислар айниқса мамнуният билан қабул қилишади). “Бегоналар” билан мулоқот, одатда, эҳтиросларга бой бўлади.

Турли маданиятларда, мамлакатларда ва мусобақалар ўтказиладиган жойларда турли хил хулқ-атвор меъёрлари мавжудлигини инобатга олиш даркор. Бир маданият муҳитида мақбул бўлган нарса бошқасида номақбул сифатида эътироф этилади. Мисол учун, ривожланган мамлакатларда ирқчилик ҳайқириқлари ёрдамида норозиликни билдириш тақиқланган, бунинг учун кескин чоралар кўзда тутилган. Бошқаларида худди шу ҳаракатлар учун жиддий жазо берилмайди.

Париж олимпиадаси очилиш маросимида ташкилотчилар ўз қарашларидан келиб чиқиб тақдим этган сахна кўринишларидан бирида яланғоч артистларнинг кўриниши дунёнинг кўплаб мамлакатларида истиқомат қилувчилар қатори ўзбекистонлик томошабинлар эътирозларига сабаб бўлди.

Бокс бўйича аёллар ўртасидаги мусобақаларда организмда тестостерон юқори бўлган спортчиларнинг рингга кўтарилиши кўплаб талқинларни келтириб чиқарди. Айрим блогерларнинг вазиятни чуқур ўрганмай туриб

ижтимоий тармоқларда тарқатган хабарлари мухлисларда тушунмовчилик келтириб чиқарди. “Жинсини ўзгартирганлар”га қизлар билан жанг қилиш учун “рухсат берган” мутасаддилар обдон танқил остига олинди ва жамоатчилик орасида уларнинг шаънига ҳақоратлар кўпайди. Шундай вазиятда спорт шарҳловчилари вазиятга ойдинлик киритишлари зарур бўлди, улар рингга кўтарилиши эътироз келтириб чиқарганлар айнан қиз бола бўлиб туғилгани, бироқ организмда тестостерон юқорилиги боис аввалги жаҳон чемпионатида қўйилмаганини изоҳлашди.

Умуман олганда, спорт ареналарида мухлислар, аксарият ҳолларда, учта коммуникатив вазифани ҳал қилишади: ўз спортчиларини рағбатлантириш, рақибларини чалғитиш ва ўзларини таништириш. Усуллар жуда хилма-хил бўлиши мумкин: хуштак ёки қарсақ чалишдан тортиб, аввалдан тайёрланган қўшиқлар ва шиорларни баралла жўр бўлиб ижро этиш, рақиб жамоа ёки унинг айрим вакиллари, ҳакамлар ҳақида баёнотлар.

Учрашувда ишлаётган ҳакамларга муносабат вазиятдан келиб чиқиб ўзгариб туради. “Ўзимизникилар” фойдасига қабул қилинган қарорлар худди шундай бўлиши керакдек кутиб олинади, ва аксинча, “бегоналар” учун манфаатлилари учун ҳакамлар шаънига ҳақоратли иборалар “ёғдирилади”.

Мухлислар гуруҳларининг рақиб мухлислари билан муносабатларини учта турга бўлиш мумкин: тажовузкор (хавфли); дўстона; нейтрал.

Биринчисига турли ашаддий рақиб футбол жамоаларининг (айтайлик, “Реал” ва “Барселона”, Аргентина ва Бразилия) мухлислари ўртасидаги тўқнашувларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Иккинчисини Париж-2024 олимпиадаси даврида Марказий Осиёдан борган томошабинлар қўшни мамлакатлар вакиллари бўлган спортчиларни ҳамжиҳатликда қўллаб-қувватлашгани тасдиқлаб турибди. Жорий йил кузида Ўзбекистон мезбонлик қилган футбол бўйича жаҳон чемпионати даврида юртдошларимиз Андижон ва Тошкентда Қозоғистон терма жамоасига яққол мухлислик қилишди. Дўстона мулоқот жараёнлари маданий тажрибани бойитиш орқали ўзаро мослашишни қамраб олган бирдамлик тамойилига асосланади. Спорт бу ерда маданиятлараро мулоқот учун расмий имконият сифатида эътироф этилади [1].

Нейтрал кайфиятдаги мухлислар (айниқса, нуфузли турнирлар даврида мезбон жамоа иштирок этмаган мусобақаларда) спортчиларни рағбатлантириш мақсадида конструктив шовқин солиб ажойиб муҳит яратишга ҳисса қўшадилар.

Спортда маданиятлараро мулоқот иштирокчиларининг яна бир муҳим тоифаси ташкилотчилардир. Гап нафақат жараённи бошқарадиган ва тадбирни ташкил қилувчилар, балки унда бевосита иштирок этувчилар: хавфсизлик хизмати, шифокорлар, стюардлар, кўнгилчилар, медиамарказ вакиллари ва бошқалар ҳақида кетмоқда. Улар учун спорт тадбири нафақат қизиқарли воқеа, балки иш жойидир. Мусобақа ёки тадбирни малакали ташкил этиш учун улар махсус курсларда келиши кутилган “меҳмонлар” маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида билимларга эга бўлишлари кўзда тутилади.

Хулоса. Турли тил маданиятлари вакиллари бўлмиш спорт мусобақалари/тадбирлари субъектларининг коммуникатив хулқ-атворининг

ўзига хос хусусиятлари ҳозирга қадар чуқур ўрганилмаган. Халқаро спорт ареналарида маданиятлараро мулоқот вазиятдан келиб чиқиб мунтазам ўзгариб туради. Шу муносабат билан спорт шарҳлари савияси юқори бўлишини таъминлаш мақсадида махсус қўшимча ўрганилиши талаб этилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

[1]. Горшунов Ю.В., Горшунова Е.Ю. Вербальная этноагрессия на стадионах // Политическая лингвистика. 2015. №1. С. 153-157.

[2]. Снятков К. В. Телевизионный спортивный дискурс: аспекты коммуникативно-прагматического анализа // Известия РГПУ им. А.И. Герцена. 2007. №37.

[3]. Тугуз Э.А. Номинации болельщиков в спортивном дискурсе (на материале английских спортивных неологизмов) // Вестник КемГУ. 2014. №1 (57). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nominatsii-bolelschikov-v-sportivnom-diskurse-na-materiale-angliyskih-sportivnyh-neologizmov> (мурожаат санаси: 2024.11.09.).

[4]. Тухтамирзаев М. МОК об использовании социальных сетей и электронных СМИ // “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш истиқболлари: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги III Республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. I қисм. Т.: ЎзМУ. 2023. Б. 232-236.

[5]. Тухтамирзаев М. Роль СМИ в освещении Олимпийских игр // Т.: “Талқин ва тадқиқотлар” республика илмий-услубий журнали, 2022. 4-сон. Б.294-296.

[6]. Ярмолинец Л.Г. Этнокультурная составляющая спортивного научного дискурса // Материалы научной и научно-методической конференции профессорско-преподавательского состава Кубанского государственного университета физической культуры, спорта и туризма. 2016. Т. 1. С. 136-138.